

20 зоне

19
4-49

Х. Нематов, Р. Сайфуллаева, М. Қурбонова

ЎЗБЕК ТИЛИ СТРУКТУРАЛ СИНТАКСИСИ АСОСЛАРИ

(Филолог талабалар учун құлланма)

УЗД. 2
49
Н-49


Х.Нематов, Р.Сайфуллаева, М.Курбонова

ЎЗБЕК ТИЛИ СТРУКТУРАЛ СИНТАКСИСИ АСОСЛАРИ

(Филолог талабалар учун қўлланма)

1-қисм:

Лисоний синтактик колиллар
Валентлик



Тошкент
“Университет”
1999

Ушбу қўлланма ўзбек тилшунослигига лисоний ва нуткий сатҳларни фарқлаш, сўз бирикмалари ва гапларнинг лисоний қолилларини аниглаш усулларини содда шаклда баён этишга бағишиланган. Қўлланма (I-кисм)нинг моҳияти системавий тилшунослик ҳавасмандларини нуткий вожеликлар бўлган сўз бирикмалари ва гапларнинг онгимиздан урин олган юксак умумлашмалари-лисоний синтаксик қолиллар [ЛСК]нинг моҳияти билан танишириш, уларда нуктда вожелантган муайян сўз бирикмалари ва гапларнинг [ЛСК]ларини ажратса олиш кўникмаларини хосил қилишдан иборатdir.

Ишнинг 1-боби ва кейинги бобнинг 5-ф и М.Курбона, 2-боби Р.Сайфуллаева томонидан, кириш қисми, бобларнинг режалари ва уларни мувофиқлаштириш Х.Нематов томонидан бажарилган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор Н.Махмудов

Тақризчилар: филология факлари доктори,
профессор А.Жураев
филология фанлари номзоди,
профессор К.Назаров
филология фанлари номзоди,
доцент В.Эгамбердиев

Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг ўқув-илмий кенгаши томонидан нашрга тасдиқланган (Баённома № 3, 1999 йил).

© “Университет” нашриёти - 1999

КИРИШ

Асримизнинг 70-йилларида узбек тиљшунослигига кириб кела бошлаган системавий таҳлил усуспари бутун жаҳон фанида бўлгани каби йилдан-йилга ривожланиб, тарақкий этиб борди. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг барчасида (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Франция ва х.) олий филологик таълимда систем тиљшунослик ўрганилмоқда. Узбек тиљшунослигига ҳам бунга шахдам қадамлар ташланган. А.Абдуазизовнинг "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси" (Т., "Ўқитувчи", 1992), А.Нурмоновнинг "Ўзбек фонологияси ва морфонологияси" (Т., "Ўқитувчи", 1990), А.Нурмонов, Н.Махмудов, А.Ахмедов, С.Солихўжаеваларнинг "Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси" ("Фан", 1992), Н.Махмудов ва А.Нурмоновларнинг "Ўзбек тилининг назарий грамматикаси" (Т., "Ўқитувчи", 1995), Ҳ.Незматов, Р.Расуловларнинг "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" (Т., "Ўқитувчи", 1995) каби системавий таҳлил бўйича умумлаштирувчи ўкув қўлланмаларнинг чиқиши бунинг далилидир. Бу эса ўзбек тилининг морфологияси, сўз ясалиши ва синтаксиси бўйича шундай ишларни яратиш масаласини ўртага қўяди. Бу қўлланма мана шу бўшликни қисман тўлдиришга хизмат киласди.

Системавий синтактик таҳлил ўзбек тиљшунослигига нисбатан янги ва ёш йўналиш бўлишига қарамай, фанимизда шу соҳада килинган ишларни икки катта йўналишга бирлаштириш мумкин. Бу йўналишлар асосий синтактик таҳлил бирликларини (сўз бирикмалари ва гапларни) қандай тушунуш ва ажратиши билан бир-биридан тамоман фарқланади. Биринчи йўналишни А.Сафаевнинг гапнинг актуал бўлиниши [43], А.Нурмонов, Н.Махмудовларнинг гап структурасининг систем таҳлили [36;37;25;26], А.Бердиалиев [17;18;19], М.Бошмонов [13;14;15] кабиларнинг тадқиқотлари ташкил этади. Бу йўналишда лисоний синтактик бирлила сифатида проф. А.Гуломов ва бу олимнинг издошлари (Ғ.Абдураҳмонов, М.Аскарова, Ҳ.Холиёров, Ф.Убаева, Р.Сайфулаев, И.Расулов, А.Омонтуриев каби ўттиздан зиёдрок синтаксис тадқиқчилари) ишларida берилган сўз бирикмалари, гап бўлаклари, содда ва қўшма гапнинг курилиш хусусиятлари кабул килинган [бу ҳакда кар.55,51]. Бошқача қилиб айтганда, бу тадқиқотларда синтактик таҳлил бирликларни лексик тулдирилгандир. Масалан, сўз бирикмаларининг типик куринишлари сифатида "Рахмоннинг китоби", "китобни ўқимок", "олтин узук" каби конкрет, лексик тулдирилган синтактик ҳосилалар берилади. Шундай синтактик ҳосилалар лисон ва нутқ, парадигматик ва синтактик муносабатлар каби системавий таҳлил усуслари асосида тадқиқ этилган. Бу йўналиш синтактик таҳлил бирликларининг ўзини лисон-нутқ бўлиниш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқмайди.

Иккинчи гурухга ўзбек морфологиясини зотий (субстанциал, формал-функционал) ўрганишга, морфологик шаклни маъновий ва синтактик хусусиятлар (кобилиялар ва имкониятлар) мажмуаси сифатида таҳлил этишга бағишлиган тадқиқотлардан [17,18,35,31] ўсиб чиқкан системавий синтактик талкинга оид ишларни киритиш лозим. Бу йўналишнинг таҳлил асослари "формал-функционал синтаксис тезислари"да [33,34] ихчам баён этилган ва кейинги давларда М.Абузалова [5], Р.Сайфуллаева [42], Б.Менглиев [27], Ш.Акрамов [6], Р.Бобокалонов, С.Тошева, Б.Ёров, Л.Раупова, С.Мухамаджоновларнинг ишларида ривожлантирилган.

Ўзбек системавий синтаксисида ажратиладиган ҳар икки йўналиш орасидаги умумийлик шундан иборатки, ҳар иккала гурух вакиллари системавий таҳлил тушунчалари ва усусларидан фойдаланиб фаннинг тадқиқот ишларини амалга оширадилар. Бу йўналишлар орасидаги асосий, бош фарқ шундаки, биринчи йўналиш вакиллари системавий синтактик таҳлил жараёнида анъанавий синтаксисимизда ажратилган ва таҳлил этилган сўз бирикмаларини ва гапларни л и с о н и й ҳодиса деб тан оладилар ва ўз системавий тадқиқотларини анъанавий синтаксисимизда берилган сўз бирикмаси ва гап ҳақидаги таълимотта таяниб, асосланиб курадилар.

Иккинчи йўналишдаги тадқиқотларнинг моҳияти шундаки, бу йўналиш вакиллари лисон (тил) ва нутқ, моҳият ва ҳодисаларни изчилилк билан фарқлайдилар ва анъанавий синтаксисимизда синтактик таҳлил манбай бўлган сўз бирикмалари ва гапларни н о л и с о н и й, яъни н у т қ и й ҳосилалар деб биладилар. Шу асосда улар синтаксиснинг таҳлил манбанини мана шу нутқий ҳосилаларни тутғидиравчи, юзага келтирувчи қолилларда (моделларда, курулма ва чизмаларда) кўрадилар.

Кўрниб турибдики, ўзбек системавий синтаксиси тадқиқидаги бу икки йўналиш ўзининг тадқиқ манбай билан бир-биридан тубдан фарқ қилади ва бу икки оқимни бирлаштириш мумкин эмас. Ҳар иккала йўналиш мураккаб ва серкирра манбага турли томондан ёндашиш деб каралиши ва холисона баҳоланиши лозим. "Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси"да (Т. 1991) биринчи йўналиш изланишлари умумлаштирилганидек, бу қўлланмада иккинчи йўналиш (формал-функционал ёки субстанциал [зотий] синтаксис йўналиши изланишлари умумлаштирилади. Ҳеч бир ҳолатда бир йўналиш хуласалари иккинчи йўналиш нуктаи назаридан баҳоланиши ва солишибтирилиши мумкин эмас. Чунки бу йўналишларда серкирра манбанинг турли томонлари ўрганилади ва, тадқик этилади.

Мухтарам китобхон ва толиби илмларга шуни алоҳида уқтириб ўтиш жоизки, бу қўлланма систем таҳлил усусларига таянади. Шунинг учун А.Абдуазизовнинг "Ўзбек фонологияси ва морфонологияси", Ҳ.Несь-

матов, Р.Расуловларнинг "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" кўлланмаларида берилган систем таҳлил усуллари ва унинг асосий тушунчалари [лисон (тил) ва нутк, зот (инвариант) ва кўриниш (вариант), лисоний ва нуткий бирликлар, зот ва тажалли, синтагматик ва парадигматик (кўшничилик ва ўхшашлик) муносабатлар, зиддиятлар (оппозициялар) ва зидланиш асослари, турлари в.х.] билан обдон танишмасдан туриб, кўлланмада берилган талқинларни тушуниш оддий ярифметик тўрт амални билмай туриб, алгебра билан шугулланишдек бефойди урнинишидир.

Биз бу кўлланмада олдинги ишларда тутган йўлдан-дастлаб системавий таҳлил усулларини шарҳлаш ва сўнгра бевосита системавий таҳлилга ўтиш йўлидан бормадик ва шархни бевосита системавий синтактик таҳлилнинг энг асосий бирлиги "Лисоний синтактик қолиплар ва уларнинг нуткий тажаллилари (вокеланишлари)" мавзусидан бошлидик.

БИРИНЧИ БОБ

ЛИСОНИЙ СИНТАКТИК ҚОЛИПЛАР ВА УЛАРНИНГ НУТКИЙ ВОҚЕЛАНИШИ

Бу боб бир неча қисмлардан иборат бўлиб, унда "лисоний синтактик қолип" [ЛСК], [ЛСК]нинг курилиш чизмаси ва таркиби, [ЛСК] шаклий томони, [ЛСК]нинг мазмун томони, [ЛСК]ларнинг лексик тўлдирилиши ва нуткий воқеланиши каби масалалар кўриб ўтилади.

1-§. ЛИСОНИЙ СИНТАКТИК ҚОЛИП [ЛСК] ТУШУНЧАСИ

Гишт қуювчи уста гишт қўйища, завод ва фабрикаларда турли буюмларни лойдан, ганчдан, металл қўйища қолиплардан фойдаланади. Чунончи, гишт қуювчи устанинг қолипи, одатда тахтадан ясалган, керакли шакларда ва қалинликда гишт шакллари солинган оддийгина бир ускунадир. Уста шу ускунани лой билан тўлдиради, катакларга лойни яхшилаб жойлаштиради. Лой катакларда гишт шаклини қабул килгач, уни қолидан чиқарib (яъни тўкиб), бу лойни куритади. Куритилган лой хом гиштга айланади. Моҳир уста бир қолип асосида 10000 гишт қўйса ҳам, гиштларнинг барчаси бир хил шакл ва кўринишга эга бўлади. Бу гиштларнинг ўзига боғлиқ бўлмай, устанинг қолипи хусусиятлари билан алокадордир.

Синтактик қолиплар ҳам устанинг мана шундай ускунасига ўхшайди. Бизнинг онгимизда, яъни лисонда сўзлаш, нуткни шакллантириш учун хима-хил мақсадларга хизмат килувчи лексемаларни сўз бирималари сифатида боғлаш, лексема ёки сўз бирималарига гап шаклини бериш қолиплари бор. Мана шу сўз бирималари ва гапларни ҳосил килиш қолиплари лисоний синтактик қолиплардир. [ЛСК]ларни моделлар, конструкциялар, курилмалар ҳам деб атайдилар.

[ЛСК]ларни одам жамиятда тайёр ҳолда қабул килиб олади ва уни ўз ихтиёрича ўзгартира олмайди. [ЛСК]ларнинг ҳар бири тилимизда ўзига хос шакл ва мазмунга эгадир. Шакл ва мазмун истаган [ЛСК]-нинг ташки қоддий томонини ва ички-мазмун, вазифа томонини ташкил этади. [ЛСК] маълум бир шакл ва маълум бир мазмуннинг номутаносиб (ассимметрик) боғланишидан иборат бўлади. Қолипнинг на шаклий, на мазмун томонини сўзловчи ўз ихтиёрича ўзгартира олади. Лекин ҳар бир [ЛСК]да шакл ва мазмунни маълум микдорда ўзгартиришга имконият мавжуддир. Лисоний тизимда бундай ўзгаришлар даражаси ва микдори анча катта аникликда кўрсатилган бўлади. Шунинг учун [ЛСК]нинг шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгариш даражаси ҳам ихтиёрий бўлмай, лисоний тизим томонидан чегараланган, белгиланган бўлади.

2-§. [ЛСК]НИ АНИКЛАШ УСУЛЛАРИ

Яхши гиштчи устанинг бир қотицдан чиқкан чексиз мөкдорларги гиштлари шакл ўлчовлари – бўйи, эни, қалинлиги, куюлган гипп бурчаклари бир хил, яъни айнан ўхшаш бўлади. Лекин тупроқ (лој қоринн моддасининг) ранги таъсирида гиштлар турли рангларда, бу модданинг зичлигига (таркибидаги кум, гил ёки гипс мөкдорига) кўра турли вазнларда ва ҳатто мустаҳкамлиги турли даражада бўлади. Шунинг учун гиштнинг ранги, вазни, зичлиги гишт қолипига алоқадор бўлмаган томонлар эканлигини биз ҳисобга олишимиз керак. Гишт қолипига бевосита алоқадор бўлмаган томонлар гишт қолипи моҳиятини аниклашда четлаштирилади, бундай хусусиятлар мана шу қолип учун аҳамиятсиз деб, эътиборга олинмайди.

[ЛСК]ларни аниклашда худди шу усулдан фойдаланилади. Чунончи, "Раҳмоннинг китоби" сўз бирикмасида [ЛСК]ни аникламоқчи бўлсан, биз шу турдаги сўз бирикмаларни хаёлан назардан ўтказамиш ёки уларни йигамиз, саралашибули билан тўплаймиз. Шу усул билан биз "Салиманинг дафтари", "Ҳабибанинг кўйлаги" каби юзлаб сўз бирикмаларидан (атокли от+қаратқич келишиги) + (турдош от+Ш шахс эгалики кўшимчаси) қаратувчи (молик шахс)+унга тегишили (мамлук нарса)] қолипини очгандек бўламиз. Лекин бу қолипни (менинг китобим), (унинг дафтари), (бизнинг уйимиз) каби юзлаб сўз бирикмалари билан солишиштиргач, I қолицдан "атокли от" белгисини ва "Ш шахс эгалик кўшимчаси" белгиларини бу қолипига аҳамиятсиз сифатида четлаштирамиз, зероки, "атокли от" ўрнида олмошлар ҳам келиши мумкин ва Ш шахс эгалик кўшимчаси ўрнида аникловчи (қаратувчи)нинг шахсига мос равишда бошқа шахс эгалик кўшимчалари ҳам келиши мумкин. Бундай тузатишдан кейин I қолипимиз кўйидаги шаклга эга бўлади:

II [от+олмош+қаратқич келишиги]+(турдош от+эгалик кўшимчаси) (молик шахс+мамлук нарса)] ҳосил қилинган II [ЛСК]ни (менинг кўлим), (китобнинг вараги), (столининг оёғи), (эшикнинг дастаси) каби сўз бирикмалари билан солишитирсанак, янги бир ҳодисанинг гувоҳи бўламиз; бу сўз бирикмалари [СБ] "молик-мамлук"лик муносабатларини эмас, балки "бутун-бўлак" муносабатларини ифодалашга хизмат қилмоқда. Энди бизга аниклаш учун жуда қийин масала юзага чиқади: биз "молик-мамлук"лик ёки "бутун-бўлак"лик муносабатлари қолипнинг ўзига алоқадорми ёки гишт таркибини ташкил этган лойгами? Агар бу хусусият гиштнинг лойига алоқадор бўлса, уни [ЛСК]дан четлаштиришимиз, агар лойига алоқадор бўлмаса қолипда акс эттиришимиз зарур. Сўз бирикмалари "гышт"ининг "лой"ини сўзлар ташкил этади. Бир неча бир-бирига ўхшаш сўз бирикмаларини олиб кўрамиз:

| № | Суз бирикмаси | Маъновий муносабатлар |
|----|------------------------------------|----------------------------|
| 1 | Каримнинг китоби Менинг китобим | молик~мамлук |
| 2 | Столнинг оёғи | бутун~бўлак |
| 3 | Машинанинг хайдовчиси | нарса~алоқадор шахс |
| 4 | Эшакнинг ургочиси | тур~жинс |
| 5 | Қизилнинг қизили | |
| 6 | Үйнинг тозалиги | белги ташувчи~белги |
| 7 | Боланинг уйқуси | субъект~ҳаракат |
| 8 | Боланинг туғилиши | ҳолат |
| 9 | Каримнинг кимлиги | белги ташувчи~унинг мавқеи |
| 10 | Тұртнинг ярми | бутун~бўлак |
| 11 | Яшашнинг завқи | ҳолат~унинг натижаси |
| | Урушнинг натижаси | ҳаракат~унинг натижаси |
| | Эътиборсизлик оқибати | сабаб~натижа |

Биз биринчи жадвалда келтирилган 11 тур билан чекланиб қўя қоламиз. Ваҳоланки, тадқиқотчиларимиз (жумладан, С.С.Майзель, А.К.Боровков, Т.Иноятов, А.Чориев в.б.) бундай турларни киркдан оширган [қар: 24,10,20,47]. Бу жадвалда келтирилган 11 турдаги сўз бирикмаларининг ҳар бирига нутқимиздан минглаб мисоллар келтира олнишимизга барча амин бўлса керак. Келтирилган 11 турни, дастлаб, таркиб жиҳатдан куриб чиқамиз. Келтирилган [СБ]ларида тобе бўлак, яъни қаратқич келишикли аникловчи вазифасида от, сифат, олмош, сон, ҳаракат номи каби ранг-баранг сўз туркумларига мансуб сўз кела олишини аниқлаш кийин эмас. Бу сўз туркумларининг барчаси тилшуносликда исмлар номи билан бирлаштирилади. Демак, таҳлил этилаётган [СБ] ларининг биринчи компоненти исм туркумларига мансуб истаган сўз бўлиши мумкин. Буни шартли равища [И] рамзи, қаратқич келишиги шаклини [қ.к.] билан белгилаб, бу[СБ] биринчи компонентини [И^{кк}] сифатида белгилаб оламиз.

I-жадвалда келтирилган [СБ]ларининг иккинчи компоненти ҳам исмларга мансуб сўз бўла олади, уни [И] билан, эгалик қўшимчаларини эса [э.к.] билан белгилаб, бу[СБ] таркибини [И^{кк}И^{кк}=...] яъни "исм туркумларига мансуб қаратқич келишиги формали бир сўзнинг тобе сифатида исм туркумига мансуб эгалик қўшимчали ҳоким сифатидаги бўшка бир сўзга боғланишидан таркиб топган[СБ]" каби кўрсатишими兹 мумкин.

Энди [СБ]нинг таркиби ўқислари орасидаги муносабатлар таҳлилига ўтамиз. [Карим] ва [китоб] лексемалари, бу лексемалар орасида, қолаверса, [Карим] ва [китоб] лексемалари орасида онгимизда ва борликда қандай табиий боғланиш бор? Бутун~бўлак муносабатлари бўлиши мумкин эмас, аталганлик, мўлжалланганлик муносабатлари бўлиши

мумкин эмас, зероки бундай муносабатлар [(Каримга китоб), (Карим учун китоб)] турдаги сүз бирималари билан ифодаланади. Бу икки сүз тушунчалар ва нарса учун тур-жинс, сабаб-натижа, субъект-предикат ва х.к. таини алоқалар хос эмас. Бу икки сүз (тушунча ва предмет) орасидеги табиият, тилимиз билан мутлақо алоқадор бўлмаган муносабатлар "молик-мамлук"лик ва "муаллиф-махсули" муносабатлариди. Демак, (Каримнинг китоби) сүз биримасида воқеланаётган "молик-мамлук", "муаллиф асар" муносабатлари [ЛСК]га алоқадор бўлмай, сўзлар (тушунчалар, предметлар) орасидаги табийи (ижтимоий) алоқаларнинг ишъникошидир. 2-3-4-..., 11-турлар сифатида санаб ўтилган [СБ]ларининг таркибий қисмлари сифатида келган сўзлар, улар англатган тушунчалар, предметлар, билан маъновий алоқалар ҳам [ЛСК] билан мутлақо боеник эмас. Бундай [СБ] маъновий ранг-баранглик [СБ] таркибидаги сўзлар аро (тушунчалараро, предметлараро) муносабатларнинг аксилидир. Қолипнинг ўзи бу сүз бирималарига деярли ҳеч қандай янги маъно киритмайди, лекин ҳар бир таркибий қисмга аник синтактик мавқе бераб, уларни тобе-ҳокимлик лисоний муносабатлар билан бомлайди. Тилшунослигимида 1-жадвада келтирилган [СБ] таркиблариаро муносабатлари қараткичли аниқловчи (ёки қаратувчи, қараткич) ва қаралмиш деб баҳоланади.

Энди биз [$I^{k,k}I^{a,k}=...$] қолипнинг иккинчи қисмини ҳам тўлдира оламиз [$I^{k,k}I^{a,k}$ =қаратувчи-қаралмиш]. Демак, нутқий намуналари бир неча юз минг булган ва 1-жадвада 11 турга бирлаштирилган [СБ]ларининг [ЛСК]и ута юксак даражада мавҳум ва умумийдир. [ЛСК] шундай булиши ҳам керак, чунки лисоннинг ўзи, демак, унинг ҳар бир бирлиги ҳам мавҳум ва умумийдир [кар: 31,32]. [ЛСК] шаклий томонининг мавҳумлиги нисбий бўлиб, умумийлиги мутлақдир. Зероки "мавҳумлик" тушунчасининг ўзи оддий мантикда ва диалектик мантикда тамоман бошкacha тушунилади [кар: 18,19]. Оддий мантикда бевосита кузатишда беरилмаган, моддийлигидан ажратиб, умумийлантирилган ҳар бир белги-нинг хусусияти ёки бу белги хусусиятларни ўзида мужассамлаштирувчи зот мавҳум саналади [56]. Диалектик мантикда тамоман аксинча. Муносабат ва алоқаларидан ажратилган зот мавҳум саналади ва бунда бу зотни бевосита кўра олиш (сеза олиш) мумкинми, мумкин эмасми ҳеч қандай ахамиятга эга эмас. Диалектик мантик содла ва кеёнг камровти очаи Унин оддийгина [$I^{k,k}I^{a,k}$ = қаратувчи-қаралмиш муносабатлари] сифатида бериш мумкин. Мана шу [$I^{k,k}I^{a,k}$ = қаратувчи-қаралмиш] [ЛСК] биз учун [ЛСК]нинг шаклий ва мазмуний томонлари таҳлили учун асос булади. Колган [ЛСК]ларни унга киёсан таҳлил этиш ва очиш мумкин.

Биз [СБ] [ЛСК]лари орасидаги парадигматик муносабагларни кўриб ўтлач, бу колипни бироз аниқлаштирамиз. Ҳозирча, бунинг бизга аҳамияти нук. Зероки, биз муайян бир қолип хусусида эмас, балки СБларининг колипларни аниқлантириш хусусида баҳс юритмоқчимиз.

3-§. ЛСКЈНИНГ ШАКЛИЙ ТОМОНИ

Умумий (лисоний) ва хусусий (нуткий) шакл. Лисоний синтактик колип туб моҳияти билан риёзий тенгламага ўхшайди ва икки қисмдан иборат, тенглик белгисидан чаш томон ва бу белгидан ўнг томон. Чунончи, юкорида чикарган қолипимиз [$I^{k.k} I^{a.a}$] ва ["каратувчи~каралмиш"] каби қисмлардан иборат. Мана шу [$I^{k.k} I^{a.a}$] қисми, яъни тенгламанинг чаш қисми [ЛСК] шаклий томонини ташкил этади. [ЛСК]дан кўриниб турибдики, бу шакл нуктаи назардан [$I^{k.k} I^{a.a}$ = карапувчи~каралмиш] ЛСК мавхум эмас, балки, аксинча, муайян, конкретдир. Зероки, қолипнинг ҳар бир таркибий қисмининг қатор муносабатлари унда ўз аксини топган. Атиги бир таркибий қисмни олиб кўрайлик [$I^{k.k}$]. Унинг ўзиёқ бу таркибий қисм исм сузлар туркумига алоқадор бўлиши зарурлигига (яъни тусланувчи феъл ёки ёрдамчи сўзларга мансуб эмаслик), карапувчи келишиги шаклига эга бўлиш зарурлигига (яъни бошқа келишикларга ёки тусланиш шаклларига мансуб бўлолмаслигини), шунингдек, [$I^{a.a}$] билан ифодаланган қисмга тобеланиб келишини, унинг билан биргаликда лисоний "карапувчи~каралмиш" муносабатларига эга бўлишилик зарурлигига ишора килиб келмоқда. Бошқача килиб айтганда [$I^{k.k} I^{a.a}$ = карапувчи~каралмиш] қолипида ҳар бир таркибий қисм ўзининг энг асосий муносабатлари ичida берилган. Шунинг учун диалектик мантиқ юзасидан ЛСКнинг ҳар бир таркибий қисми муайян, конкрет саналиши лозим. Системавий тадқиқнинг асосий таҳлил усули эса оддий (формал) мантиқ эмас, диалектик мантиқдир[18,12]. Шу боис ЛСК шаклий томони сифатида ажратган [$I^{k.k} I^{a.a}$] қисми диалектал, нисбий муайян деб қаралиши лозим. Бу шаклий томоннинг муайянлиги, хусусан, унинг нуткий, моддий вокеланишдан ёрқин намоён бўлади ва бу ҳакда биз куирокда, [ЛСК] шаклий томонининг умумийлик хусусияти билан танишгач, баҳс юритамиз.

[ЛСК] шаклий томони бўлган [$I^{k.k} I^{a.a}$]нинг умумийлиги мутлақдир деб айтдик. Бу шундайдир. Унинг умумийлиги шундаки, юкорида 2-Ҳда кўриб ўтганимиздек, бу шаклий томон нуткда вокелангандан юз минглаб сўз бирикмаларида такрорланиб турган моддий томондан ажратиб олинган ва умумлаштирилган. Бу умумийликнинг мутлақлиги яна шундан иборатки, [$I^{k.k} I^{a.a}$] яна чексиз микдордаги янги-янги сўз бирикмаларида такрорланиб вокеланиши мумкин. У деалектик мантиқ нуктаи назаридан ҳам, оддий мантиқ нуктаи назаридан ҳам умумийлик белгисини сақлаб қолаверади. ЛСК шаклий томонининг умумийлиги унинг чексиз микдордаги янги-янги сўз бирикмаларида конкрет моддий шаклда вокеланиши, такрорланиб туришидадир. Шунинг учун систем тилшунослик "лисон~нутк" бўлинишини изчиллик билан фарқлаганлиги сабабли [ЛСК]-да "умумий шакл" ва "хусусий шакл" тушунчаларини ҳам фарқлайди.

"Хусусий шакл" деганда мөддий шаклда сўзлар воситасида ифодаланган, ўқилиши, ёзилиши, кўриниши, чизилиши мумкин бўлган шакл тушунилади. Чунончи, 1-жадвалда "сўз бирималари" хонасида берилган шакл хусусий шакллар. Бу шакл қанчалик типик бўлмасин барibir хусусийдир. Хусусий шакл такрорланмасдир. Ҳатто айни бир сўз биримаси бир киши томонидан икки марта "китобнинг муқоваси", "китобнинг муқоваси", деб такрорлаб ёзсан ёки ўқисак), бу икки хусусийликдир, Зероки, биринчи сўз биримаси унинг такоридан бошқа замон ва макондадир. Шунинг учун хусусий шакл такрорланиши мумкин эмас.-Бу фалсафий хусусийликнинг умумий хусусияти булиб, нутқда ҳам уз аксини топади [кар 45]. Шунинг учун "лисон~нутқ" ажратилишида "умумий шакл" тушунаси эса нутқий боскичга алокалор деб саналади. "Умумий шакл", "лисоний шакл" атамаларининг, шунингдек, "нутқий шакл", "хусусий шакл" каби сўз бирималарининг синонимлари сифатида ишлатилишининг сабаби ҳам шунда. Зероки, лисонда фақат умумийлик, нутқда эса фақат хусусийлик бўла олади, холос. Системавий тадқиқлининг анъанавий лингвистик тадқиқотдан туб фарқи ҳам худди мана шунда. Анъанавий таҳлияда "умумийлик" ва "хусусийлик" тушунчалари ва ҳодисалари бирбири билан кескин фарқланмайди ва жуда кўп ҳолда бир-бири билан аралаштирилади. Системавий тилшунослик бундай кориштиришга чек кўяди.

"Умумий шакл" ва "хусусий шакл" ҳакида фикр юритар эканмиз, бир саволга жавоб беришга тўғри келади. Нима сабабдан ЛСҚнинг чап кисми бу қолипнинг "умумий шакли" сифатида баҳоланади? Бунинг сабаби шундаки, ЛСҚ нутқда воқелангандага мөддий кўринишида, шаклда қолипнинг айнан шу томони воқеланади. Чунончи, 1-жадвалда берилган 14 ўз биримасининг хусусий мөддий шакли [И^{кк}] умумий шаклининг кўринишларда, гурли макон, замон, шароитда муайян шаклда воқелнишидир. Бунда системавий таҳлияда ўта мухим бўлган битта хусусияти фарқлаш лозим. Бунинг учун умумий шаклнинг хусусий шакл билан муносабатини кўриб ўтамиш.

Умумий шакл: [И^{кк}]

Хусусий шакл: Каримнинг

менинг

эътиборсизлик

боланинг

яшашининг

И^{кк}]

китоби

китобим

оқибати

туғилиши

завки

Бу ерда берилган [И^{кк}]нинг мөддий кўринишлари (яъни Карим, мен, эътиборсизлик, боланинг, яшашининг) ҳам, [И^{кк}]нинг мөддий кўринишлари ҳам (китобим, оқибати, туғилиши, завки, сўзлари) бир-биридан анча фарқ қиласади. Нима сабабдан биз бу фарқлардан тамоман кўз юмисб, анъанавий тилшунослигимиз тутган йўлдан бормай (яъни ҳар бир

шаклй ва маънови куринишни алоҳида-алоҳида олиб ўрганиш билан шугулланмай) уларнинг барчасини (И)га бирлаштириб, уларнинг ораларидағи фарқларни йўқ қилиб юбордик. Системавий тилшунослик бундай фарқларни йўқ қилиб юбормайди: аксинча, уларни бир-бирига бοглаб, бир тизимга бирлаштиради. Бунинг учун тилшунослиқда барқарор (инвариант) шакл ва оралиқ шакл (вариант) тушунчалари мавжуд. Шунинг учун оралиқ шакл мөҳияти устида тұхталиб ўтиш зарур [бү хакда қар. 1,32]

4-§. ОРАЛИҚ ШАКЛ (ВАРИАНТ)

Фалсафа ва мантиқда ҳам, борлықда хусусийликларни умумлаштириш турили босқичларга, даражаларга эта булади. Чунончи, ўзимизнинг боғимизда (хөвлимида) ўсаётган ва баҳорғи олма берәётган муайян иккى туп эртапишар олма дараҳтини олиб күрайлик. Хөвлимида ўсаётган бу иккى туп эртаги, эртапишар олма дараҳти иккى хусусийлик, алоҳидалик бўлиб, такрорланмасдири. Улар орасида жуда күп фарқлар бор (чунончи, иккаласи иккى маконда турибди; биринчисининг шоҳлари бундай, иккинчисининг шоҳлари бошқача жойлашган, ҳар иккаласи иккى хил уруғдан кўкарган, биттасининг барғларининг шакли бир, бошқасининг шакллари бошқача ва х.). Бу фарқларни биз санаб ниҳоясига етказолмаймиз. Лекин бундай жузъий фарқларнинг ҳар бири конкрет эртапишар олмамиш учун аҳамиятли ва уни миллионлаб бошқа олмалардан фарқлаб туради. Лекин хусусийлик остида ётган мөҳиятни аниклашимиз учун биз бу хусусийликни умумийликка нисбат беришимиз зарур. Мана шу жаёнда бизнинг олдимизда "ниманинг мөҳияти"ни очиш зарур? деган савол туғилади. Бизнинг олдимизда, масалан, турли масалалар турибди. Чунончи:

- 1) эртапишар олма дараҳти мөҳиятни аниклаш;
- 2) олма дараҳтининг мөҳиятни аниклаш;
- 3) мевали маданий дараҳт мөҳиятни аниклаш;
- 4) мевали дараҳт мөҳиятни аниклаш;
- 5) дараҳт мөҳиятни аниклаш;...

Куриниб турибдики, боғимизда ўсаётган муайян "эртапишар олма дараҳти" алоҳидалик ичиди 1) ўсимликнинг, 2) дараҳтнинг, 3) мевали дараҳтнинг, 4) мевали маданий дараҳтнинг, 5) олма дараҳтининг. 6) эртапишар олма дараҳтининг умумийликлари хусусий кўринишца вөкселандиши. Шунинг учун биз қайси босқичдаги мөҳиятни, умумийликни излаётганимизга мос равища мөайян эртапишар олманинг хусусий белгиларини турли даражаларда умумлаштирамиз.

Шулардан, масалан, иккى босқични олиб курайлик:

- а) илк умумийлик босқичлардан бири "эртапишар олма дараҳти" умумийлиги;
- б) юкори умумийлик босқичлардан бири- "ўсимлик босқичи" "эртапишар олма дараҳти" мөҳиятни очиш учун мөайян дараҳтимизни миңнг-

лаб жузъий хусусиятларидан сокит килиб (яъни улардан кўз юмиб), "эртапишар олма берадиган дарахтимизни бошқа турдаги олма меваси берадиган дарахтлар билан киёслашимиз керак. Бу жараенда турли маонларда, турли шароитларда, турли замонларда усган, усаётган ва усанган чуайян "эртапишар олма дарахтларининг хилма-хил жузъий хусусиятлари сокит қилиниб, бизга аҳамиятли бўлган" эртапишар олмами ски эртапишар олма эмасми?" фарқланиши сакланади, халос. Шу фарқланиши саклаб қолган икки (уч, турт) умумийликни кибосидаги на биз "эртапишар олма дарахти" моҳиятни оча олами.


"Синтаксис" моҳиятни очмокчи бўлсак-чи? Бунда биз диккатимизда бир нарсага - боягимиздаги эртапишар олма дарахти бир макондор турнб, илдиизидан озиқланувчи организмни ёки бекарор, илдиизиз, кўчиб юрувчи организмни? деган саволга жавоб излашимиз, дарахтимизнинг жума кўп хусусиятларидан кўз юмиб, илдиzinнинг бор-йуқлигига этибор қаратишимиz лозим бўлади, халос. Чунки максад майян ходиса усмиллик жинсига мансуб ёки мансуб эмаслигини аниклашдан ибораттир таддик боскичи, умумлаштириш даражаси жуда юқоридир.

Тилимизда хам турли хилдаги умумлаштириш боскичлари бор. Хар бир боскичдаги фарқларни ўрганувчи тилшуносликнинг бўлим ва йуналишлари бор (чунончи, стилистика, фонетика, фонология, лексикология, лексик-семантик стратификация, морфология и.и.). Синтаксис. синтактик курилиш тилнинг энг юқори умумийлик даражасини таддик этиувчи сатҳ ва тилшунослик булимицир. Шунинг учун бу боскич таҳлил этилаётгандаги стилистик, фонетик, лексик-семантик жуда кўп ҳолларда ҳатто морфологик фарқлар хисобга олинмайди. Синтактик таҳлил жвараёнда умумлаштириш даражаси энг юқори бўлаш, куйи боскич умумийликлари, фарқлари инобатта олинмайди, лекин батамом ўчириб хам юборилмайди. Шунинг учун [ЛСК] умуниши шакли билан нуттий хусусий воқеланиш шакли оралиғига орлиқ шакллар (вариантлар) ижраталади. Умумий шакл билан хусусий шакл орасида ҳанча оралиқ шаклтарнинг мавжудлиги хусусий воқеланишда бевосита воқеланган умумийлик синтактик сатҳ умумийлигидан қанча узокда туритин билан бўлши. Чунончи, "Каримнинг китоби" сўз бирикмаси гаркибидаги "Карим" атёли оти синтактик сатҳдан "китобнинг муковаси" даги "китоб" сўзини бир боскич узокда, зероки, турдош отиарди умумлаштириш атёли шакллардаги умумлаштиришдан бир боскич юқори, яъни юқори ётхилор (жумладан, синтаксиста) якинроқ. Шунинг учун "Каримнинг китоби" хусусий сўз бирикмасини [И^к, И^к] умумий шакли билан бопловчи оралиқ шакллар хам "китобнинг муковаси" сўз бирикмасини бу умумий шакл билан бопловчи оралиқ шакллардан кура бир боскич кўпроқдир.

* Лексик стратификация (стратиграфия) остида лексемаларни турли-туманн мазновий, вазифавий, шаклий түрларга бирлиштириш тушунилади.

Чунончи [И^{кк}] билан "Каримнинг" ва "китобнинг" хусусий шакллари ўртасидаги оралиқ шаклларни кўйидагича кўрсатиш мумкин.

1-чизма



Муайян [СБ] шаклининг [ЛСК] умумий шакли билан боғланиши ўртасидаги оралиқ шакллар СБнинг таркибий қисмларининг синтактик сатҳ бирликлари билан боғланиш оралиқлари, погоналари билан белгиланади. Чунончи (Каримнинг китоби) билан [И^{кк}И^{ак}] ўртасидаги кўйидаги оралиқ шаклларни ажратиш мумкин.

[от ^{кк} от ^{ак}]--{конкрет от ^{кк} конкрет от ^{ак}}--{турдош от ^{кк} турдош от ^{ак}}--[якка от ^{кк} якка от ^{ак}]--{атоқли от ^{кк} якка от ^{ак}}. Умумий [И^{кк}И^{ак}] шакли билан, масалан, (менинг китобим) хусусий шакли ўртасида эса[олмош ^{кк} якка от ^{ак}]→[кишилик олмоши ^{кк} якка от ^{ак}]→[I шахс олмоши ^{кк} якка ^{ак}] каби оралиқ шаклларни ажратиш мумкин.

Оралиқ шакллар лисоний, яъни тилнинг умумий, мажбурий, такрорланувчан бирликларига алоқадор ҳодиса. Лекин бевосита синтактик сатҳга алоқадор ва синтактик сатҳ бирликлари эмас. Уларнинг ажратилиши тилнинг синтаксисдан қуий бўлган сатҳларнинг умумийликлари билан алоқадордир. Шунинг учун уларнинг барчаси [ЛСК] умумий шаклининг варианatlари-юксак даражадаги синтактик умумийликнинг нуткий

вокелик билан боғланиш аңъаналари сифатида қабул қилинади ва синтактик сатҳ таҳлилида, бу сатҳ бирликларининг ўзаро парадигматик муносабатларини урганиш жараённида хисобга олинмайди. Зарур бўлган ҳолатлардагина оралиқ шакллар эслатиб ўтилади, холос. Бундай ҳолатлар эса синтаксисимизда оз эмас. Чунончи, [И^{кк}И^{ак}=...] [ЛСК]да икки компонент бир-бирига нисбатан узилмай (ораликларида бошқа сўз бўлмай) жойлашгандা бу қолип [И^{кк}И^{ак}=...] қолипи шакли билан синтактик синонимлик хусусиятига эгадир [чунончи (китобим муковаси, китобимнинг муковаси)]. Лекин бу хусусият [И^{кк}И^{ак}=...] [ЛСК]нинг [кишилик олмоши И^{ак}] варианти учун хос эмас (унинг китоби ўриница "у китоби" деб бўлмайди). Лекин бу хусусият [И^{кк}И^{ак}=...] [ЛСК] хусусиятлари билан эмас, балки олмошларнинг хусусияти билан боғлиkdir. Олмошларнинг бу хусусияти синтактик аҳамиятга молик бўлмаганлиги сабабли [кишилик олмоши И^{ак}] вариантининг бу хусусияти синтаксисда эслатилиб ўтилади. Бу ерда ўз-ўзидан бир савол туғилади: [кишилик олмоши И^{ак}=...] кўриниши [И^{кк}И^{ак}=...]дан синтактик фарқка эга экан, нега [кишилик олмоши И^{ак}=...] мустақил равишда [ЛСК] деб олинмайди ва [И^{кк}И^{ак}=...] қолипининг варианти деб баҳоланади? Синтактик аҳамиятга молик бўлган ҳодисани синтактик ёки носинтактик деб баҳолаш ихтиёрийми? Йўқ. Ихтиёрий эмас. [ЛСК] нафакат шаклий томондан, балки шакл ва мазмуннинг биринишидан иборат бўлади. Агар стилистик, лексик, морфологик ва ҳатто фонетик умумийлик бўлиниши [ЛСК]нинг ҳам шакл, ҳамда мазмун томонига бирданига таъсир этса, у, албатта, алоҳида [ЛСК]га ажратилади. Лекин сатҳ бўлинишларидан айрим бўгинлари [ЛСК]нинг факат бир томонига (яъни ё мазмунига, ё шаклигагина) таъсир кўрсатса, бундай ҳолларда улар ягона [ЛСК]нинг ё шаклий, ё мазмуний варианtlари сифатида баҳоланади. Шунинг учун нафбатдаги бўймидан сиз билан [ЛСК]нинг мазмун томони моҳияти билан танишишига кетришамиз.

5-§ [ЛСК]НИНГ МАЗМУН ТОМОНИ. УМУМИЙ (ЛИСОНӢ) МАЊНО ВА ХУСУСӢ (НУТ҆ҚӢ) МАЊНО

Таҳлилимизни ўзимизга таниш бўлган [И^{кк}И^{ак}= қаратувчи~қаралмиш] қолип асосида давом эттирамиз. 3-4-§-ларда кўриб ўтдикки, бу қолипининг чап томони унинг шаклини ташкил этади. Демак, унинг ўнг томони бу [ЛСК]нинг мазмунидир. Ҳақиқаттан ҳам шундай: бу қолипининг мазмунини "лисонӣ тобе қаратувчи ва ҳоким қаралмиш орасидаги ранг-барагнг муъносабатлар" ташкил этади. Биз, кўпинча, мањно деганда бир нарсани аташ, номлашни, унинг белги-хусусиятларини кайд этишни тушунишга одатланганмиз. Албатта, юкорида кайд этилган мањно аташ, номлаш, кайд этиш мањноси эмас. Биз [ЛСК]лар билан иш тутар эканмиз, бу қолипининг мањноси синтактик бўлмони керак. Синтак-

сисда эса "тобе~хоким", "каратувчи~каралмиш", "тұлдирувчи", "хол" "эга", "кесим" каби түшунчалар катта ахамиятта эга ва синтактик мұносабаттарни ифодалаб, синтактик маңноларни шығып этады [ЛСК]нинг мазмун томони ҳам бевосита синтаксисгә алоқшор булиши лозим.

"Молик~мамлук", "бутун~бұлак", "сабаб~оқибат" ж. и 1-жадвалда күрсатылған маңнолар [ЛСК] маңноси (мазмун) була олмайды? деген савол туғиши мүмкін. Ахир, үзбек тилшүнослигінде худи шүндай маңнолар бу турдагы сүйекшіліктердің маңнолары сифатида тасвирланиб, талқын этиліб келинди-ку!

Тұғри, үзбек тилшүнослигінде ҳам, Европа түркійшүнослигінде қам шүндай іўл тутиб келинди. Бұлнинг асосий сабаби лисон~нутқ ҳодисалари, лисон сатхлары бирліктерини, борлық ҳодисалари ва лисоний ҳодисаларни изчиллік билан фарқлай олмаслық, натижада уларни бир-бири билан арапаштырып юборища бўлди. Шунинг учун табиий курилиш нұктай назаридан бехад содда ва оддий бўлган тил тизими жуда мураккаблаштирилиб юборилдики, ҳар қандай тилшүнос ҳам ҳар қадамда адашади.

Агар бу маңно-ларни ифодалаш учун асосланған алоқида синтактик күрілма, алоқида синтактик умумий шакл мавжуд бўлсагина! "Молик~мамлук" ёки "бутун~бұлак" каби маңнолар алоқида бир [ЛСК]нинг мазмун томони була олини мүмкін бўларди. Тилимизда эса бундай маҳсус синтактик шакл йўқ (китобим) сўз-шаклида "молик~мамлук"лик муносабати маддеус яғоштандырғанда күрнәнди, лекин ("кулишим") сўз формасыда (-им) қўшимчасига дуч келади. Ваҳидини, ("кулишим" сўз шакли "молик~ мамлук"ликни эмас, билди "Баргузин(тим) субъект, фойл)~ҳаракат" муносабати ини ғода ошиғи либомт кистади (-им) қўшимчасининг бир ҳолатда "молик~мамлук", нехниң қолатда "субъект(фойл)~ҳаракат" маңносини ифодалаши ани -им қўнимчасини маңно ва вазифаси "мен" ва "китоб" ёки "мен" ва "йиглаш" ҳаракати орасида қандай реал, мантиқи муносабатлар була олиши, яъни [мен] олмоши номлаб келаётган аталмаш (декотат) [китоб], [йигла-] лексемалари атаб келаётган деянатлар орасидаги муносабатлар билан боғлиқдир. Тұғри, [мен] ва [йигла-] сргсида ринг баранг, муносабатлар булиши мүмкін. Чунончи, мен [мен] ва [йигла-] лексемалари

"Буннинг соддалигининг исботи шундаки, 4-5 ешил өле оғигида бу тизи жарлы тұлік үзлашади ва амалы тадбик этилади. 5 шипигидәк фразалық билаш гүзәл сўзловчи болаларни күп күрамиз. Тизи шундай барлық тизимки, агар у деярлі тұлік үзлашмаса, бола бундан амалда фойдалана олмайды. Чунки оддийгина "қорнім оч, нон беринг" гапинин куриш ва ундан тұғри фойдаланыш учун тилнинг фонетик сатхидан синтаксисгача бўлган барча яруслари тизими үзлашган булиши керак.

үнлаб [ЛСК]лар оркали боғланиши мумкин. Шулардан бири [эга-кесим=ҳукм] бўлса, иккичи [$I^{xx}I^{zz}=$...] қолипидир. Хар икки қолип ҳам [субъект-предикат] (ёки бажарувчи-ҳаракат) муносабатларини ифодалай олади. Лекин ни [эга-кесим=ҳукм] қолипиди на [$I^{xx}I^{zz}=$...] қолипида бу ягона вазифа, яъни қолипнинг умумий маъносини ташкил эта олмайди. Шунинг учун ($I^{xx}I^{zz}=$...) қолипнинг маъноси ҳам "молик-мамлук" ёки "субъект-предикат (фоил ҳаракат)" сифатида белгиланиши мумкин эмас. Агар бу муаммога биз [$I^{xx}I^{zz}=$ каратувчи-қаралмиш] қолипида [I^{xx}] ва [I^{zz}] ифодалаб келётган маънолар (тушучалар, ҳаётда воқе-ликлар)нинг ўзаро алоқа ва боғланишларига мос равишда [катутувчи-қаралмиш] синтактик маъноси "молик~ мамлук", "бутил~булак", "са-баб~окибат", "фоил~ҳаракат" ва х. маъновий кўринишларда воқела-надиган ва юкорида саналган маънолар оралик маънолар, яъни, умумий синтактик маънони муайян сўз бирикмаси (чунончи, "Каримнинг китоби", "столнинг ёғи", "унинг йиглаши" ва х.) маъноси билан боғлашга хиз-мат қиласиган маънолар сифатида баҳолашимиш мумкин. Бу оралик маънолар табиатан синтактик моҳиятга эга бўлмаслиги мумкин. Улар умумий (лисоний) маънонинг варианatlари кўринишлари мавқеида тура-ди. Демак, умумий синтактик шакл хусусий синтактик шакл билан боғ-ланганда оралик шакллар ажратилгандек, умумий синтактик маъно ху-сусий синтактик маъно билан боғланиш жараённи ҳам оралик маъно-лар ажратилиши мумкин. Бундай оралик маънолар синтактик моҳиятга эга бўлмаса-да, лисоний киймат ва моҳиятга эга. Чунки улар лисоний бирликларнинг синтаксисдан кўйирокдаги умумлаштиришлари билан алоқадордир.

Шу билан боғлик равищда ўзбек тилинунслигига кенг тарқалган бир маъновий тавсиф устида тўхталиб ўтиш лозим. Фанимизда нафакат каратувчи ва қаралмишнинг "типик маъно"ларин тавсифлаш, балки тўлдирувчи, ҳол, эга, кесим ва бошқа синтактика моҳиятга эга бўлган ходисаларнинг ҳам конкрет лугавий маъноларини тавсифлашги жуда катта вакт, меҳнат ва маблаг сарфланади. Ваҳоланки (уйни курмок) сўз бирикмасида воситасиз тўлдирувчининг "яримшишган, бунёд этилашигин (объектни)" ифодалаб келиши ва (уйни бузмок) сўз бирикмасида жа-ва "йўқотилишган маънани" атаб келиши синтаксис учун мутлако аҳамият-сизdir. Зероки, "бунёд булиш" ва "йўқотилиш" маънолари "бузмок" ва "курмок" феълларининг луғавий маънолари тизимига хосдир. Шунинг учун бундай синтактик категорияларни санаб чиқмокчи бул-ганилар ҳакиқатда лугавий маъноларнинг ўзаро мантиқи қаларини тасвиrlаш билан банд булишади. Синтактика мантиқи қаларини билан тўлдирилиши мумкин. Демак, бу

4-§. СИНТАКТИК ВАЛЕНТЛИК

4-§. Синтактик валентликнинг моҳияти шундаки, кенгаювчи лексема ҳар бир актантни маълум бир синтактик формада - келишик, кўмакчи ёки бошқа турдаги синтактик алоқани таъмин этувчи шаклда талаб килади. Буни 34-36 бетлардаги чизмаларда ҳам якъол кўриш мумкин. Лекин синтактик валентликнинг маъновий валентликтан нисбатан мустакиллиги шундаки, улар ҳамма вакт ҳам бир хил бўла олмайди. Чунончи, юкорида кўриб ўтганимиздек, [ёзмоқ] феълининг фоил актанди ҳам бош келишик шаклида, ҳам жўналиш келишиги шаклида, ҳам кўмакчили бўлиб (хат Раҳматжон томонидан ёзилди) кела олади: биритурувчи сўзнинг синтактик маъкеи актантнинг синтактик шаклини ўзгартиради. Шунинг учун бундай валентлик биритурувчи сўзнинг синтактик валентлиги деб айтилади. Синтактик валентлик билан маъновий валентлик ўзаро мутаносиб боғланган, яъни биро ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради, биро йўқолса, иккинчиси ҳам йўқолади. Лекин бундай боғланиш тўлиқ мутаносиблик табиатига эга эмас (яъни тўла-тўқис симметрик эмас), балки нисбий мутаносиблик табиатига эгадир. Умуман тилда ўзаро тўлиқ мутаносиблик йўқ даражада. Тилда ўзаро тўлиқ бўлган ҳар қандай икки томон, икки хусусият, жумладан, 3-5- ё да кўриб ўтилган шакл-мазмун, ўзаро нисбий мутаносибликда (ёки нисбий номутаносибликда) туради. Тилда шакл/мазмун, ўзгарувчанлик /барқарорлик, валентлик ўзаро нисбий мутаносиблик (номутаносиблик) да туради. Бу хусусият лисоний бирликларнинг асимметрик дуализми атамаси билан юритилади. [кар: 25, 12, 22]. Нисбий мутаносиблик (номутаносиблик)нинг моҳияти шундан иборатки, у лисонда ўзаро боғлиқ, алоқадор бўлган томонлардан ҳар бири (нисбий) мустакилликка эгадир. Бу нисбий мустакиллик шунда намоён бўладики, томонлардан ҳар бири иккинчисига таъсир этмаган ҳолда маълум даражада, микдорда ўзгара олади. Тил тараққиёти ва барқарорлигига жуда катта аҳамиятта эга бўлган бу нисбий номутаносиблик маъновий ва синтактик валентликлар мутаносиблигига ҳам ўз аксини топади. Юкорида келтирилган мисоллари мизга мурожаат килайлик:

| | | |
|----------------------|------------------------------------|----------------------|
| ф о и л | м а н б а | ҳ а р а к а т |
| Раҳматжон | х а т | ёзди |
| м а н б а | ф о и л | |
| х а т | Раҳматжон томонидан ёзилди. | |
| с а б а б ч и | ф о и л | |
| Салимбек | Раҳматжонга хат ёздирди. | |
| ф о и л | ҳ а р а к а т | м а н б а |
| Раҳматжон | ёзган | х а т... |

[Ёзмок] феълининг фоили ва манба турли -тумани синтактик шаклларда кела олади, лекин қандай синтактик шакл ва мавқеда бул-масин барибир ҳар турли мисолда ҳам [ёзмок] феъли англатган ҳаралатнинг фоил актантни (Раҳматжон)дир. Синтактик валентлиги ўзгарган холда ҳам, сўзининг маъновий валентлиги ўзгармайди. Шунинг учун [ёзилмок], [ёздирмок] [ёзган] битта лексеманинг (ёзмок феълининг) турли шаклларицир. Чунки бу ерда лисоний валентликдан факат бир томони, яъни синтактик валентлик ўзгарган. Бундан хулоса килиш мумкинки, маъновий валентлик ўзгариб (яъни сўз номеърий куршовда бўлса), синтактик валентлик ўзгармаса (Ашулачи ҳангари, темир ирова), кўчма маъно, синтактик валентлик ўзгариб, маъновий валентлик ўзгармаса, турли синтактик шакллари воқеланади. Ҳам синтактик, ҳам маъновий валентлик бирданига ўзгарсачи?

Нутқда воқеланиш имкониятига эга бўлган сўз бирималари ва гапларнинг курилиш қолиплари систем синтаксиснинг тадқиқ манбаидир. Сўз бирималари ва гаплар нутқ фаолиятининг, тилнинг турли сатҳ бирликлари дир. Шунинг учун ЛСКларнинг икки асосий тури СБ [ЛСК] ва гап [ЛСК]лари ҳакида гапириш мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳакида тұхтатымиз.

7-§ СБ [ЛСК] ЛАРИ ХУСУСИДА

• [СБ] лари моҳияттан аташ номлаш (номинация) сатҳ бирликларидир [49,50]. Бошқача қилиб айтганда, СБ лисоний қиймат жихатидан сўзга (лексемага) тенгdir. Буни исботлашга хеч қандай ҳожат йўқ. Ўзбек тилидаги [айғир] сўзи билан нотаниш бўлган киши [айғир] лексемаси ўрнида бемалол [эркак от] сўз биримасини ишлатаверади. Бу лексема ва сўз биримаси атоб қийматига кўра тенг қийматларидир. Худди шунингдек, [тоға] лексемаси билан [онанинг ииниси-акаси/укаси], [амаки] лексемаси ўрнида [отанинг акаси/укаси] сўз бирималарини кўллаш мумкин. Тилимизда сўз бирималарининг лексемага аташ вазифаси жихатидан тенг қийматларига юзлаб мисол келтириш мумкин. Лексема билан СБ орасидаги асосий фарқ аташ/номлаш вазифасида эмас, балки шу вазифани қайси йўл билан, қайси усул ва қайси шакл билан ифода этилади. Лексик сатҳда бу вазифа туб, ясама, содда, қўшма сўз билан тўппа-тўғри бажарилса, [СБ]да аташ/номлаш вазифаси сўзларни ўзаро эркин синтактик алоқаларга киритиш йўли билан амалга оширилади. Эркин синтактик алоқа деганда эса сўзларнинг мувакқат, факат нутқ эҳтиёжи ва зарурий аташ вазифасини бажариш учун тобе-хоким муносабатларига киришиши тушунилади. [айғир] лексемаси отнинг маълум бир турини узининг ички лугавий маъноси билан тўппа-тўғри атаб келса [эркак от] сўз биримаси айни шу маънони лугавий маъносида "жинс" семаси етакчилик килган [эркак] лексемасини жинс семаси кучсиз (нейтрал) бўлган [от] сузига тобелантириб бир эркин [эркак от] СБга биректериш оркали ифодалайди. Нутқий зарурат кондирилгач, (эркак от) СБнинг таркибий кисмлари булмиш [от] лексемаси ўз хонасига ("олов" ЛМГ тизимиға) [эркак] лексемаси ҳам ўз

Сўзнинг лисоний валентлиги билан юзаки бўлса ҳам танишиб чиқ-кч, грамматик шакл (морфологик шакл) валентлиги билан танишиб ўтамиз. Бу срда шуни айтиб ўтиш керакки, агар сўзнинг лисоний валентлигига багишлаб ўзбек тилшунослигида юздан ортиқ, жаҳон фанида эса минглаб асарлар ёзилган бўлса, грамматик шакл валентлиги жаҳон тилшунослигида тамоман янги ва эндигина ўрганилмокда. Ўзбек фанида ҳам бу муаммога бағишиланган тўрт-бешта тадқиқот мавжуд, холос. Бу кўлланмани ёзишдан мақсад ҳам, унга "асослар" деб ном берилишинг сабаби ҳам шу. Бу срда кўтарилигин масалалар янги ўзбек синтактик таълимотини яратишда асос вазифасини ўташи, ёш тадқиқотчиларга йўлланма бериши лозим.

5-§. ГРАММАТИК ШАКЛ ВАЛЕНТЛИГИ

Бу тушунчанинг пайдо бўлиши, ривожланиши, аста-секин оммалашиб бориши морфологик шаклга (жумладан, отларда кўплик ва бирлик сон, шахсий баҳо шакллари, сифат даражалари, феъл нисбатлари ва турли равишдошлар, сифатдошлар, ҳаракат номлари, эгалик, келишик, майл, замон, шахс-сон шаклларига) зотий (субстанциал) ёндашув билан узвий боғлиқдир. Бу ёндашувда грамматик шакл моҳияти, айтиб ўтганиниздек, "мажмуи асмо ва сифот" (сифатлар, белги-хусусиятлар, вазифалар йигиндиси) сифатида тушунилади. Грамматик шаклларнинг эса маълум бир маъно ифодалаш билан бирга бир шакл ўзига хос синтактик вазифани ҳам бажариши қадимдан тилшуносларга маълум. Факат тилшуносликда бу томонлар грамматик шаклларда бир-биридан узид тадқик қилинар, бир хил шакллар (чунончи, сон, даражা, нисбат, баъзан эгалик категориялари) соф маъновий, баъзи категориялар (чунончи, келишик, майл, замон, шахс-сон) соф, синтактик деб тасниф этилар эди. Грамматик категорияларнинг А.А.Шахматов, А.М.Пешковскийлардан бошланган "синтактик" ва "носинтактик" категорииларга ажратилиши айнан шу масала билан боғлиқдир. Грамматик шаклларга зотий ёндашиш бу масалаларда маъновий (семантик) ва синтактик (вазифавий) томонларнинг диалектик бирликда бўлиши, бир томон бўрттирилганда, иккинчи томон заифлашишини тўғри аниклай олиш ва уни тушунтиришга имкон берди. Натижада, носинтактик соф маъновий деб тавсифланган сон, даражা, нисбат, эгалик шаклларида маълум маънолар билан бир қаторда ўзига хос синтактик имкониятлар ва, аксинча, соф синтактик деб тавсифланган келишик, майл, замон, шахс/сон шаклларида маълум маънолар яширинганинги аникланди [кар:35]. Бу эса грамматик шаклнинг маъновий қобилияти ва синтактик имконияти, яъни грамматик шакл валентлиги масаласини ўртага кўйди. [6.27]. Оддий бир мисол билан буни тушунтирамиз: [шоирман]. Шу сўз-шакли-ман шахс сон кўшимчаси билан бирикмасдан олдин, яъни [шоир] лексемаси сифатида [мен] олмоши билан бириниш эҳтиёжига эга эмас эди. [кар:35]. Шахс//сон маъ-

носини ифодаловчи (-ман) күшимчасини қабул қылғач, шундай эхтиёж туғиши. Бу эхтиёж қаердан пайдо бўлди? [ман] күшимчаси [шоир] лексемаси билан бириккач, шундай зарурат юзага келади. Демак, бу зарурат (-ман) күшимчасида мусассамлашган; бу биринчи шахс/бирлик сон шахс/сон күшимчасининг синтактик эхтиёжи, кенгайниш талаби, яъни валентлигидир. Яна бир мисол (китобим) сўз шакли ва [китоб] лексемасини олиб кўрайлик. [китоб] лексемасида (менинг) сўз шакли билан зарурий боғланишга на маъновий, на синтактик эхтиёж (яъни валентлик) бор. Лекин (китобим) сўз шаклида шундай эхтиёж бор. Демак, бу зарурат (-им) эгалик күшимчасига алоқалордир. Бундан хулоса килиш мумкини. [-им] I шахс, бирлик сон олмоши билан боғланиш зарурий валентлигига эгадир. Шундай хусусиятни нафакат шахс/сон ёки эгалик, балки бошка турдаги күшимчаларда ҳам кўриш мумкин. Икки гапнинг мазмунини қиёслайлик: (Бу олмадан қизилни беринг), (Бу олмадан қизилроғини беринг) I-гапимиз умуман нотўғри бўлмаса-да, уни тўғри ҳам деб бўлмайди. [Олмадан қизил] сўз бирикмаси ўзбек нутки учун ўта хусусий шароитларда кўлланилади. Лекин (олмадан қизилроқ) сўз бирикмасининг кўлланиш чегаралари деярли чекланмаган. Демак, *И¹*/шакли билан эркин бирикиш қобилиятини ранг, тус сифатларига [-рок] морфемаси беради.

Грамматик шакллар ўзлари кўшилиб келган лексеманинг лисоний (маъновий ва синтактик) валентлигини ё кенгайтиради, ёки чеклайди. Чунончи, эгалик күшимчалари ўзи кўшилиб келган исм туркумига мансуб сўзларга қараткич келишиги шаклида турган бошка исм билан қаралмиш-карратувчи алоқаларига киришиш имкониятларини беради, яъни ўзи кўшилиб келган сўзнинг синтактик имкониятларини кенгайтиради, сўз-шакл маъновий ва синтактик валентлиги шу сўз-шакл учун асос бўлган лексема лисоний валентлигидан кенг. Худди шундай ҳодисани ортирма нисбат морфемаси билан ўтимсиз феъл лексема бирикишида кўриш мумкин.

[Машина юрди. Бола ухлади]. (ухла), (юр-) феъллари воситасиз тўлдирувчи билан бирика олмайди. Лекин (Хайдовчи машинани юргизди. Она болани ухлатди) меъёрий бирикмалардир: воситасиз тўлдирувчи билан бирика олиш валентлик қобилиятини [юр-], [ухла-] лексемаларига ортирма, нисбат морфемаси берди, бошқача қилиб айтганда, бу феълларга у ўз валентлигини олиб келди. Айрим грамматик шакллар ўзи кўшилиб келган лексеманинг лисоний валентлигини торайтиради. Чунончи, мажхул ва ўзлик нисбат шакллари ўтимли феълни ўтимсизлаштиради, унинг воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш имкониятини чеклайди. Грамматик шакл (морфема) валентлигига ҳам лисоний ва нуткий валентликни, уларнинг ҳар бирида маъновий ва синтактик кўринишларни фарқлаш зарур.

Морфеманинг лисоний маъновий валентлиги деганда ҳар бир морфемада мужассамлашган маъновий, информатив томон на-

зарда тутилади. Чунончи, (-им) күшимчасида: 1) шахс; 2) бирлик сон маънолари худди шундай маъновий томонлардир. [-лар] морфемаси "миқдоран ноаник кўпликтин ифодалаш ҳам бу морфеманинг маъновий томони, маъновий валентлигини ташкил этади. Жўналиш келишига шакли валентлигига маъновий томон "бирон нарса йўналганлик" маъносидир. Биз бу ерда ҳар бир шакл ва морфеманинг маъновий томонларини келтириб ўтирамаймиз, чунки улар шу булум охирида Б.Менглиев иштадан олиниб илова килинган жадвалда акс эттирилган. Агар морфема валентлининг маъновий томони бу шаклда мужассамлашган маълум бир маъно, ҳабар, маълумотда бўлса, бу валентликнинг синтактик томони нимадан иборат?

Яна (-им) күшимчасига мурожаат қиласиз. Бу күшимча биринчи шахс, бирлик сон маъноларидан ташқари ўзи бирикib келган сўзининг ҳоким сифатида бошқа бир сўзни ўзига тобелантира олишини кўрсатиб келмокда. (-им) күшимчасининг маъновий валентлиги асосида бундай сўз факат (менинг) сўз шакли булиши мумкин. (-си) эгалик күшимчасида эса истаган исм бу ўринда кела олади. Каримнинг китоби, рўзнома саҳифаси, "Тошкент оқшоми". Шунинг учун эгалик күшимчаларининг синтактик валентлиги "ўзга сўз шаклини ўзи кўшилиб келаётган сўзга тобелантириш" сифатида кўрсатилиши мумкин. Келишик күшимчалари, аксинча, "ўзи кўшилиб келаётган сўзининг бошқа бир сўзга тобе мавкеида булиши" ни ифодалаб келади. Шунинг учун ўзбек тилидаги грамматик шакллар тавсифида кўйидаги омилларга таянилади: Маъновий валентлик томони ёркин бўлиб, синтактик валентлик томони яширин бўлган шакллар (сон, даража, булиши-булишсизлик, сифатдошлар, ҳаракат номлари).

Синтактик валентлиги ёркин бўлиб, маъновий томони яширин бўлган шакллар (келишик, эгалик, нисбат, равишдош, кесимлик шакллари). Иккинчи гурух шакллари ўз навбатида:

- Хокимлик"ни билдирувчи шакллар (эгалик, кесимлик).
- Тобеликни ифодаловчи шакллар (келишик, равишдошлар).

Грамматик шаклларнинг маъноси ва синтактик қобилиятлари Б.Менглиевнинг тадқиқотидан [27] олинган кўйидаги жадвалда умумлаштирилган:

I-жадвал

| K! | МК нинг маъновий хусусиятлари | МК нинг синтактик имкониятлари |
|---------|--|---|
| келишик | маъновий аниқлик/ноаниклик, сифат ва предмет, манба, сабаб, мақсад, пайт, ўрин, восита, чегара ва х.к. | тобе сўзни ҳоким сўзга боялаш |
| эгалик | эгалик, шахс-сон, тегишлилик х.к | кейинги СШнинг олдинги СШга муносабатини ифодалаш |

| | | |
|---------------------------------|---|--|
| сон | микдор, микдорий аниклик /ноаниқлиқ, сифатий бўли- нуччанлик/бўлинмаслик | СШга янги валентликлар бериш |
| даражা | белгининг нисбийлигини ифодалаш | микроматн таркибий кисм- ларини боғлаш, синтактик курилма маъносини ўзида мужассамлаштириш |
| нисбат | ҳаракатнинг объектга му- носабатини, ўтимли-ўтим- сизлиги ва медиал/номе- диалигини ифодалаш | фесъяни фесълини узгар- тириш, унинг фоилини му- носабатини ифодалаш |
| сълдинг ункционал акллари | ҳаракатнинг олдинма-кеинилги, давомли/давомсизлиги, ҳаракатни шахс ёки нар- санинг атрибутив белгисиги айлантириш, ҳаракатни пред- метлаштириш | фесълни фесъга ва отта боғ- лаш, фесъга оттавазифасини бериш |
| майл/замон | сўзловчининг ҳаракатга ва ҳаракатнинг нутқ момент- лига муносабатини ифода- лаш | гап кесимини шаклланти- риш, кесимга турилган валент- ликлар бериш, микроматн таркибий кисмларини боғ- лаш, гап кесимини шакл- лантириш |
| шахс-сон | ҳаракат бажарувчисининг шахс ва сонини, аник/но- аниклиги, бор/йўклигини ифодалаш | гап кесимини шаклланти- риш |

Берилган жадвал асосида бир савол тугилиши табиий. Грамматик шаклларининг маъновий томони бор десак, бу маъновий томоннинг валентликка, бирикувчанликка нима алоқаси бор?

Бу саволга «оддийдан мураккабга» йуналишида жавоб берамиз».

(-им) кўшимчасининг синтактик валентлиги: «узидан олдин келган тобе сифатидаги қараткич қелишиги шаклини олган исм билан бирика олиш» сифатида белгиланиши мумкин.

Чунки бу белги эгалик категориясига хос бўлиб, унинг бирикиш шакллари, жумладан, (-им) кўшимчаси учун ҳам умумийдир. Лекин (китобим) сузи таркибидағи -им бундай исм фактат бирикчи шахс бирлик сон, кишилик олмоши бўла олиши, яъни бу кўшимча фактат шу олмош билан бирика олишини курсатиб турибди. Демак, -им кўшимчасидаги маъно, моҳиятнан, маъновий валентлик сифатида чиқади.

[-лар] кўплик сон морфемасининг умумий маъноси "микдоран ноа-
ник кўплик ва сифат жихатдан яхлит эмаслик" сифатида белгиланади.
[48] Бунинг маъновий валентликка нима алоқаси бор?

Чунки, (китоблар), (турли-туман китоблар, ҳар хил китоблар) бирикмалари мөъёрий. Лекин (120 китоблар) деб курайликчи? Ёки бирикиш нотугри булади, ёки кўчма маъно воқеланади. (ўнинчи йилларнинг саргардонлиги (F.Fулом)). Демак, [-лар] морфемасининг маъновий томони ўз бирикувчанилигига эга экан. Шунинг учун (ўнинчи йиллар), (Тошкентлар), каби бирикмалар бу қўшимча учун номеъёрий "кўчма" сифатида берилиши лозим.

(Эрта келаман), (индин келаман), (хозир келаман) деб бемалол айта оламиз. Нега (кеча келаман) бирикмасини тушиб бўлмайди? Чунки аниклик майли хозирти-келаси замон шаклиният маъновий валентлиги билан пайт равиши мавқеида турган "кеча" сўзининг маъноси зид, ради этадиган семаларга эга. Демак, (бутун, хозир, индин, эрта келаман) бирикмасида замон шакли маъновий валентлиги билан пайт равишининг маъноси ўзаро мувофиқлашган, бир-бирини танлаган, бирикиш учун бир-бирини танлаш эса валентликдир.

Шу билан грамматик шакл валентлиги баҳсига вактинча якун ясак ҳам бўлади. Чунки том маънодаги қизгин баҳслар - грамматик шакл (морфема)нинг умумий ва хусусий маънолари, унинг маъновий ва синтактик валентлиги, бу валентликнинг хилма-хил кўринишлари, бу хусусиятни хисобга олган ҳолда сўз бирикмаси, гап қурилишини қайта кўриб чикиш бу ходисаларнинг "туркона табиати"ни очиб туркйларга етказиш ишлари энди бошланмоқда. Чунки, ўзбек синтаксисининг закий тадқиқотчиларидан, "Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси" муаллифларидан бири А.Ахмедов ёзганларидек, "Умуман, хозирги вақтда В.Виноградовнинг синтактик таълимoti туркй тилларга оид синтактик адабиётларнинг назарий асосини ташкил этади" [37]. Туркй синтаксис талқини учун туркона асослар топиш даври келди. Туркй синтаксисни туркона ўрганишда эса туркй лисоний қурилишнинг фарзандларидан бири-грамматик шакл (морфема) валентлиги муҳим аҳамият касб этишига аминимиз. Зероки, туркй тилларнинг синтактик деб номланган эгалик, келишик, равишдош, кесимлик категориялари, қатор кўмакчилари (жумладан, -дек, -дай, -дайнин, -га, каби, сингари, учун, сари в.б.), гап, сўз бирикмалари [ЛСК]ларнинг конструктив, уларни бино этувчи воҳидлари сифатида ҳам жуда катта синтактик моҳият касб этади. Бу ҳакда биз, кисман, наъбатдаги бандда, анча батафсил эса III, IV бобларда баҳс юритамиз.

Лисоний лексик ва грамматик валентлик билан танишиб чиққач, нега [ЛСК] ларда одатда маъновий чегаралар белтиланмаслиги лозимлиги сабабини тушуниш мумкин. [ЛСК] лар ихтиёрига кирадиган муайян сўзнинг тобе ёки ҳоким сифатида қандай сўзлар билан мөъёрий ёки номеъёрий боғланиши синтактик сатҳнинг эмас, балки, умуман олганда, лексик-семантик сатҳ хусусияти бўлмиш сўзнинг лисоний маъновий валентлиги билан белгиланади. Маъновий валентлик ҳар бир [ЛСК]га тушадиган ва ўзаро хилма-хил муносабатлар билан бирика оладиган сўзлар доирасини чеклайди.

ЛСК учун (кудукнинг думи) ҳам (отнинг думи) биримаси ҳам бабаробар. Лекин (кудукнинг думи) биримаси мантиқан мумкин эмас.

(Кудук) ва- (дум) лексемалари [$\text{И}^{\text{л}} \text{ И}^{\text{л}}$] колипи орқали ўзаро синтагматик муносабатларга кириша олмайди. Лекин бошқа хил муносабатлар билан бу сўзлар ҳам муносабатга кириша олади (эшакнинг думи кудукнинг яқинида).

Сўз ва грамматик шакл лисоний валентлиги билан танишгач, яна бир муаммо пайдо бўлади. [ЛСК]лар ихтиёрига тушадиган сўзларнинг маъновий (кандай маъноли сўзлар билан бирика олиш) валентлиги бўлса, бундан ташқари сўз яна синтактик валентликка эга бўлса, (ўзи билан бирикадиган сўзни маълум бир грамматик шаклда келишини талаб этса), [СБ]ларда, гапларда, уларнинг лисоний колиларида бу икки хусусият қандай мувофиқлашади?

[ЛСК]ларда тобе ва ҳокимнинг грамматик шакли уларнинг таркибидаги сўзларнинг синтактик валентлиги билан белгиланадими ёки [ЛСК]лар морфемаларнинг синтактик ва маъновий валентлиги асосида ҳосил килинадими? [СБ] ва гапларнинг [ЛСК]лари моҳиятлан ва табиатан бир хилми ёки уларнинг ҳар бирি орасида фарқлар мавжудми? Бу мураккаб, келгусида атрофлича ўрганилиши зарур бўлган саволларга қисман навбатдаги бандларда жавоб беришга ҳаракат қиласиз. Дастлаб, [СБ] ларнинг [ЛСК] ларида сўз (яъни лексик-семантик) ва морфологик (грамматик) шакл валентликларининг ўзаро муносабати хусусида тўхтатамиз.

5-§. [СБ]ЛАРИНИНГ [ЛСК]ЛАРИДА ВАЛЕНТЛИКЛАР МУВОФИҚЛАШУВИ

Бу бандда қўйилган масала атрофлича ўрганилиши ва тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммодир. Умуман, айтганда СБларининг формал-синтактик тадқиқи ҳали очилмаган кўрик бўлиб, С.А.Назарованинг тадқиқоти бу соҳадаги илк қадамдир. Шундай бўлса ҳам, ўзек лисоний тизимини бу йўналишда ўрганишдан кўлга киритилган натижалар бу ҳакда айрим мулоҳазаларни баён этишга, келажак тадқиқотчиларга йул белгилашга имкон беради. Жумладан, "Тезислар"да кўтарилган [С.А.Назарова томонидан исботланган [29] [СБ]]лари таркибида сўзларнинг икки ёклами муносабати бу муаммо ечимининг қалити вазифасини ўтаси мумкин. "СБларидан сўзларнинг икки ёклами муносабати" деганда нима тушунилади? Биз шу вактта қадар СБларини факат ҳоким бўлак асосида тадқиқ ва тавсиф этиб келдик. Уларни ҳоким бўлак туркумига кўра турларга ажратдик. Тобе бўлак грамматик шаклини ҳоким бўлак талаби билан ўзгартиришини ўргандик. Бизнинг асосий диккатимиз факт ҳоким бўлаккка қаратилган эди. Лекин тилемиз қизиқ ҳодисаларни

юзага чикариб, тадқиқотчини кийин холатларга ту-шириб құярды. Чунончи, бир хил ҳоким сүзли иккى СБсини олиб күрайлык: 1) (уйға келдім); 2) (уйдан келдім). Ҳар иккى СБда ҳоким ҳам, тобе ҳам бир хил, лекин сүз бирикмаларининг маънолари том маънода тескари, зид. Бу келтирилгән иккى сүз бирикмасининг алохидада СБлари эканлигини иеботловчы мухим омишdir.

Фонл эса сүз бирикмалари орасыда факат тобелик шаклидадыр. Биринчи СБда тобе жұналиш келишиги шаклида, иккинчисиңа у чиқиши келишиги шаклида. Бундай сүз бирикмаларини күплаб келтириш мүмкін: (китобин үкимок), (кіттобдан үкимок), (китобда үкимок); (сласини күттармок), (елласыга күттармок), (елласыда күттармок); (уйға қочмок), (уйдан қочмок) в.х. Бундай сүзлар таркиби жиҳатидан бир хил, тобенинг грамматик (морфологик) шакли ҳар хил бұлған СБлари тобе ва унинг шаклы ҳам сүз бирикмаси курилиши ва маъносыда мухим омилт эканлығы, ҳоким қызығчылар тортиси, бүйсундириш талабига эга бұлса, тобе ҳам шунчалық тортиси ва бүйсуниш әхтиёжига эга эканлығы, СБларида ҳокимнинг талаби билан тобенинг әхтиёжи қондирілши, мұвоғиғ қ-л а ш у в и ҳақида хулоса чиқарышга имкон беради. [29]. Мана шу ҳодиса СБ таркибий кисмларининг иккى ёклама алоқаси деб айтлади; ҳоким тортиси талабига, тобе тортиси әхтиёжига эга. Ҳоким ҳам, тобе ҳам ўз тортиси әхтиёжларини лугавий маъно - маъновий валентлик воситасыда ва ўзларининг грамматик (морфологик) шакллари асосыда вокелантиради. Чунончи, (хатни ёзмок) СБни олиб күрайлык. [Ёзмок] лексемаси нимани? сүргига жавоб бұладыган ва "ёзиш" ҳаракати натижасыда бунёд бұладыган нарса буюмни атаб келувчи сүз билан бирика олишини ўзининг лексик-семантик (маъновий) валентлигі билан ифода этиб келмокда;

[Хат] лексемаси "ёзиш" ҳаракати асосыда бунёд бұладыган нарса, үйім (предмет)ни атаб келади ва ёзиш, күчириш, юбориш, олиш, ўқиши ж. к. би ҳаракатларни ифодаловчы феъллар билан бирика олиш қобиғияттығы эга.

Түшум келишиги морфемаси эса ўз морфологик парадигматик қатарыда "тобе исмни ҳоким үтимли феъл билан боғлаш ва ҳаракат томонидан тұла қамраб олинувчи воситасыз тұлдидуручини нұтққа киритиш" маъноларынга эга. Бу морфеманинг валентлигі бир томондан үтимти феъллар билан, иккинчи томондан ҳаракат томонидан тұла қамраб олинниши мүмкін бўлған предметларни атөвчи исмлар биландыр. [Ёзмок] феъли шундай феъл, [хат] лексемаси шундай исмдир. Натижада, (хатни ёзмок) сүз бирикмасыда (хат), [ёзмок] лексемаларининг маъновий ва синтаксик валентлигі, түшум келишиги морфемасынинг маъновий имкониятлари СБда муайян шаклда вокеланади. Шуннинг учун нұтқ шароити, сүзловчи мақсадыга мувоффик равишида ҳоким сүз факат тобе сүзининг, қандай маъновий түркүмден бўлиши, балки унинг қайси маънода, қандай шактада келиши билан уйғунлашади. Масалан, [куттармок] лексемаси ким?

(ним?) кимни? (нимани?) қаерга? қаерда? нимасидан? сурокларнга жа-
воб берадигал маъновий ва синтактик валентликларга эга.

Ўз навбатида тушум, жуналиш, чикиш, ўрин келишиклари, зотий ёндашув нутқи назаридан, ўз парадигматик каторларида, күшилдиган сұллари ва бирекадиган тобеланувчи сұллардан китни излэр, уллари учун хос маъно ва валентликка эгадир [кар: 35]. [елка] ва [күттармок] лексемалари узаро умумий маъновий таркибга эги, шни узаро биреки олади, лекин кайси маъноларда бирекиши ва қандай маъноли сұз биримаси хосил килиши морфологик шакл маъноси ва вазифаси билан жонликтиди. Шунинг учун



тўрт турли мустакил СБларини беради. СБларда лексик ва грамматик валентликларнинг узаро мувофиқлашуви, хусусан, қараткич бирекмаларида якъол кўзга ташланади: (китоби) сўз шакли (Каримнинг) сўз шакли билан бирека олади. Эгалик кўшимчасисиз келган [китоб] лексемаси [Каримнинг] билан бирека олмайди. Бу ҳакда грамматик (морфологик) шакл валентлиги бўлимида ёзган эдик (5§).

Яна бир мисол: (акамга ёзмок) СБда (акамга) харакат натижаси йўналган манбани билдиради ва [ёзмок] лексемасининг [адресат] кенгайти рувчисини нутқ жараёнинга олиб киради. Шундай кабилада яъни ("Харякат - манба" маъноси ва воситали манбани ифодалаш) тушум келишини парадигматик маънолари учун ҳам хосдир. Лекин (акасига ёздирмоқ сўз бирекмаси икки маънога эгадир: бу [СБ] (онасига) кўпроқ [ёзмоқ] харакатининг адресатига эмас, балки фоилига мойил. Бу маъно (ездирмоқ) феълидаги ортирима нисбат маъноси билан алоқадордир. Шунинг учун: Марказқўм учун хатни акасига биз ёздирдик, гапица бу сўз бирекмаси адресат эмас, фоил маънони воеалантарили. Бундан зулматианинлик йўқ, ҳар икки валентлик (Марказқўм учун) ва (акасига) шоҳида алоҳида воеалантан. Бундан биз хулоса кила оламизки, СБ таркибидаги сұллар узаро:

- 1) Маъновий (семантик) валентликлари:
- 2) Морфологик шакл валентлиги асосида бирекади. Бу СБларида сўзларнинг маъновий (M) ва шаклий (Ш) бирекиши омилларни деб айтилади Сўзларни узаро биректиришда маъновий ва шаклий омиллардан ташкари жойлашув сўлларни ёнма-ён куйиш омили ҳам мавжуд бўлиб, бу уч маъновий, шаклий, жойлашув омили СБларида сўзларни узаро алоқагиритишнинг асосий омилларидир. Булардан соғ синтактик табиятларни факат охири жойлашув омили, яъни сўзларни [Т-Х=А] тартибда жонлаштириш бўлиб, маъновий омил-асос ўтиборан лексик-семантик, шаклий омил эса-морфологик сатҳга алоқадордир. СБларида бу уч омил

узаро мувофиқлашган ҳолда вокеланади. Натижада кандай СБлари ва уларнинг қандай муайян қолиллари ҳосил булишини биз Ш бобда кўриб ўтамиз. Хозир эса, ваъда қилганимиздек, гапларда лексик-семантик ва морфологик шакл валентликларининг мувофиқлашиш масаласи устида тұхталамиз.

6-§ ГАПЛАРДА ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ГРАММАТИК ШАКЛ ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

Гап лисоний сатхлардан энг юкориси бўлган коммуникатив (алоқа, аралашув, фикр алмашув) сатх бирлиғидир. Гап хукм ифодалашга хизмат қиласди. Ўзбек тилида хукм, тасдик инкор сўзловчининг баён этилаётган фикрига муносабати (майл), ҳаракат/ҳолатнинг, нутк пайтига муносабати (замон) ва унинг иштирокчиларига алоқаси (шахс/сон) каби маъноларининг мажмуси бўлган кесимлик категорияси (Кк) воситасида шакллантирилалди. Шунинг учун [Кк] маъно жиҳатдан мураккаб бўлиб, (тасдик/инкор, + майл + замон + шахс/сон) вазифа жиҳатдан яхлиттир ва хукмни грамматик шаклланган гап сифатида шакллантиради. [Кк] ўз аксини гапнинг кесимида топади. [Кк] шакллари тартиб жиҳатдан хилма-хил бўлиб, уларнинг айрим кўринишлари (2-жадвалда) кўрсатилган.

-ноль морфема ўзининг моддин шаклда ифодаланмаганлиги билан бирор маъниони ифодалаб турувчи морфема [қар]

2-жадвал

| лексема асос | тасдик / инкор | майл | замон | шахс | сон |
|--------------|----------------|-------|-------|------|-----|
| кел | ма | са(й) | ди | нг | из |
| бер | | са(й) | ди | нг | из |
| ол | | | | | |
| ол | | | | | инг |
| кур | ма | | ди | м | |

(Отам ўқитувчидир) ёки (отам ўқитувчи) гапида ҳам Ккнинг барча маънолари ифодаланган.

Чунончи, (отам-ўқитувчи) гапи тасдик маънода (киёс. Отам ўқитувчи эмас), аниклик майлида, (киёс. Отам ўқитувчи бўлса), ҳозирги-келаси замон (киёс. Отам ўқитувчи эди). Ш шахс (киёс. Ўқитувчисан), бирлик, сон (киёс. Улар ўқитувчилар) маъноларини ифодалайди. Фақат бу маънолар ноль билан ифодалангандир. Гап кесими Ккнинг бирорта маъносидан холи эмас, хоҳ бу маънолар моддий ифодали кўшимишлар билан, хоҳ ноль морфема билан берилсин. Кк мураккаб маъноли морфологик шакл бўлиб, моддий таркибиға содда (Карим келди. Китобни ол. Отам ўқитувчи (дир)) ёки мураккаб (Сиз келмасайдингиз, ўзимиз борар-

дик) булиши мүмкін. Лекин моддий таркибдан көттей назар, кесін шакли юқорида саналған грамматик (морфология) шаклдарынан мәннеларига, демек валентликларига ҳам ега бұлды. Шунинг учун [үқитувчи] лексемасининг (Үқитувчи келди) гапидаги өзекеланишшаты валентликлари ва гапидаги өзекеланишшаты валентликлар бір-бірдан тамодан фарқланади. (Отам үқитувчи) гапиди (үқитувчи) сүз шакли валентликлари мажмусини күйндагича қарастыш мүмкін.

[Үқитувчи] лексемаси маңынан валентлігі б.к. валентликлари кесимлік категориясынан валентлігі. Кк әза күриб үтганиміздек, бу гапда тасдік, аниклик майли, ҳозирға-келаси замон, үчинчи шахс, бирлік сон валентликлардан ибораттады. Мана шу валентликларнинг ҳар бири асосида (Отам - үқитувчи) гапида (Үқитувчи) сүз шакли хилма-хил сүзлар билан, жумладан:

а) III шахс, бирлік сон шакли валентлігі асосида ега билан (Отам үқитувчи)

б) ҳозирға-келаси замон шакли асосида шу замон маңынан билан үйгүнлаша оладиган пайт ва ўрин ҳоллары билан (Отам ҳозир мактабда үқитувчи),

в) аниклик майли валентлігі асосида шу майл умумий маңынан билан мұносабат ифодаловчы бұлаклар (жумладан, кириш бұлак сифатыда ажратылған модаллар) билан

(шубхасиз, отам- ҳозир мактабда үқитувчи)

г) тасдік маңынан асосида тасдік ифодаловчы сүз билан (Ха, шубхасиз, отам-ҳозир мактабда үқитувчи) бирика олиш қобилятига әгадір. Күриб туриблизки, [үқитувчи] лексемаси [Кк] билан шаклланғунға қадар бу хил бирикмалар ҳосил қила олмас эди. Эга, ҳоллар, модаллар, тасдік сүзлар билан бирикіш имконияттін (үқитувчи) сүзіга кесім - л и к к а т е г о р и я си берди; эга, турлы хил ҳоллар ва кириш бұлаклар умуман, (үқитувчи) сүзининг маңынан (лексик-семантик) валентлігінде алоқадор эмес; улар гап кесимнинг "жони" бұлған Кк шаклларнинг валентлігі ва маңындары билан изохланған, сабаблантирилған бұлаклардир. Шунинг учун гап қурилишида иккі хил ҳодисаны кескин фарқлаш лозим:

а) Сүзининг маңынан валентлігі билан алоқадор бұлған кенгайтирувчилар (ёки сүз кенгайтирувчилари).

б) Кесимлік категориясы шакллары маңынан валентлігі билан алоқадор бұлған бұлаклар-гап кенгайтирувчилари (ёки кесимлік кенгайтирувчилари). Чунонча, Отам, шубхасиз, ҳозир мактабда яхши үқитувчи, гапида (яхши) сүз кенгайтирувчи бўлиб, (яхши үқитувчи) маълум типдаги сүз бирикмасини ташкил этади. (Отам), (шубхасиз), (ҳозир), (мактабда) бұлаклари гап кенгайтирувчиларидир (кар:7). Гап кенгайтирувчилари кесимлік категориясига алоқадор бўлиб, кесим вазифасыда келган сүзга бевосита алоқадор эмес. Шунинг учун (Отам үқитувчи), (ҳозир үқитувчи), (мактабда үқитувчи) каби сүз бирикмалари ҳам бу гап таркибидан

ажратилиши шубхали, зероки. булар атов бирликлари эмас, балки ўзига хос бир шакли-кесимлик шакли билангина бирика оладиган кенгайтирувчилардир. (Отам ўқитувчидир) (мактабда ўқитувчидир), (хозир ўқитувчидир) хосилалари сүз бирикмалари эмас, балки кесимнинг эга билан, ўрин ва пайт ҳоллари билан бирикмаларидир. Бу бирикмаларда биз [ўқитувчи] лексемаси ҳакида эмас, гапнинг кесими ҳакида гапирмоқчиз. Демак, бу бўлаклар бевосита сўзга эмас гапга, жумладан, унинг кесимига алоқадордир. Шунинг учун гапни ўрганиш жараенила дистлиб, сўз кенгайтирувчилар ва гап кенгайтирувчилар муаммосини ҳал килиш лозим бўлади. Бизнинг гап **Курилишига бағишланган IV бобимиз** хўм худди шу масала билан бошланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуазизов А. Узбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент, 1992.
2. Абдурахманов Ф. Кўшма гап синтаксиси асослари. Ташкент, 1958, 325-б.
3. Абдурахманов. Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка. (Учебное пособие). Тошкент, с.126.
4. Абдурахманов Ф. Кўшма гап синтаксиси. Ташкент, 1964, с.246.
5. Абузалова М. Содда гап модели ва унинг парадигмаси ҳакида. Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 1990, 67-68-бетлар.
6. Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап курилишида тўлдирувчи ва ҳол. [WPm] валентлиги аспектида. НДА, Тошкент, 1997.
7. Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкциярида семантиксигнификатив парадигматика. Тошкент, 1989, 107- б.
8. Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним моделини эргаш гапли кўшма гаплар. Тошкент, 1990, 111-б.
9. Бердиалиев А. Ўзбек тили эргаш гапли кўшма гапларида синтактик алоқа ва носинтактик муносабатлар. Тошкент, 1993, 92-б.
10. Боровков А. Изает в узбекском языке. Сб. Акад. Н. Марпу. М, 198.35.
11. Боровков А, Фуломов А ва б. Ўзбек тили грамматикаси. Ўрта мактаблар учун. 11 қисм, Тошкент, 1943.
12. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Т, 1995.
13. Башмонов М. Изучение членов предложения узбекского языка в дихотомии. "Язык - речь" Уровень языка. Ташкент, 1991. с. 24.
14. Бошмонов М. Ўзбек тилида гап бўлакларини система сифатида ўрганиш методологияси. Хўжанд, 1994.
15. Бошмонов М.М. Монопредикатив содда гапларнинг бўлаклари лиссоний система сифатида, 1,2 -исмлар. Хўжанд, 1994.
16. Ибрагимова Ф. Именные управления в современном узбекском литературном языке. АКД. Т., 1972.
17. Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. Л. ЛГУ.1959, с.151.
18. Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абул-ғизи-хана. Грамматический очерк. Ташкент, 1962-204с.
19. Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. Ч. 1; Л. 1975.
20. Иноятов Т. Основной и винительный падежи в современном узбекском литературном языке. АКД. Ташкент. 1973, с. 31.
21. Камолов Ф. Кўшма гапларга доир масалалар. Тошкент, 1955.
22. Карцевский С. Асимметрический дуализм лингвистических знаков. В сб. "История языков очерках". Ч 1.М. 1965.

23. Кацнельсон С.Д. Историко-типологическое исследование. М-Л, 1937.
24. Майзель С.С. Изает в турецком языке. М.Л.1957.
25. Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Т, 1984, 147-6.
26. Маҳмудов Н, Нурмонов А. Ўзбек тили назарий грамматикаси. Тошкент, 1995, 228-6.
27. Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. НДА, Т, 1996.
28. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. (Насрий баёни билан) Тошкент, 1991, 464-6.
29. Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари.
30. Нематов X. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тишиносликда синтаксисни урганиш масалалари. ЎТА. 1993, 2-сон, 27-30-бетлар.
31. Нематов X, Бозоров О. Тил ва нутқ, Тошкент, 1993, 30-6.
32. Нематов X, Расулов Р. Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари. Тошкент, 1995, 127-6.
33. Нематов X, Абдулаева К.М, Банару В.И, Маҳмудов Н.М, Мухамедова Д.А, Нурмонов А. Структура предложения актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. (Тезисы формально-функционального исследования). Советская тюркология. 1984, №5, с.3-10.
34. Нигматов X.Г, Абдулаева К.М, Банару В.И, Халияров X.X, Маҳмудов Н.М, Нурманов А, Сайфуллаева Р.Р. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса. Советская тюркология. 1988, №4.
35. Нигматов X.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников. XI-XII вв. Ташкент, 1989, с.191.
36. Нурманов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Ташкент, 1982, с.152.
37. Нурманов А ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 292-бет.
38. Расулов И. Ҳозирги ўзбек тилида бир составли гаплар. Тошкент. 1974, 234-б.
39. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент, 1989, 141-б.
40. Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. Ташкент. 1991.
41. Раҳматуллаев Ш. Отларда негизлар. ЎТА, 1971, №1,2.
42. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал тадқики. Тошкент. 1994, 356-б.
43. Сафаев А. Семантика-синтаксического членение предложения в узбекском языке. Ташкент. 1997. с.141.
44. Суфи Оллоёр. Саботул ожизин. Тошкент, 1995.
45. Туленов А. Фалсафа. Тошкент. 1994.

46. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. Т. 1991.
47. Чориев А. Синтаксиско-семастические признаки родительного падежа в узбекском и английском языках. Т. Финн. 1990, стр.92.
48. Шахобиддинова Щ. Ўзбек тили морфологияси умумийлик - хусусийлик диалектикаси талкнилига. Андижон. 1994.
49. Языковая номинация. Общие вопросы. Институт языкоизучения. Москва, 1977, 39-б.
50. Языковая номинация. Общие вопросы. Институт языкоизучения. Москва, 1977, стр.396.
51. Ўзбек тили грамматикаси. 2 томлик. Тошкент, 1976.
52. Кучкортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент, 1977.
53. Кучкартаев И. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент, 1977.
54. Фуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. 11 бўлим. Синтаксис. Пед. билим юрти ўқувчилари учун. Тошкент. 1940, 84-бет.
55. Фуломов А, Асқарова М. Хозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1965, 1987.
56. Ҳакбердиев М. Мантиқ. Тошкент. 1995.

Шартли қисқартмалар ва рамзлар

А - атов бирлиги

[АКк] - гапнинг энг кичик лисоний қолипининг ўзбекча рамзи

ГЛСК - гапнинг лисоний синтактик қолипи

~Ж.к. - жўналиш келишиги

И - исм

[И^{v*}А⁰] - сўз биримаси лисоний қолипларининг бир тури

Кк - кесимлик кўрсаткичлари

Л - лексема

ЛМГ - луғавий маъно гурухи

ЛСК - лисоний синтактик қолип

М - маъновий омил

О - от

С - сифат

СБ - сўз биримаси

СБ ЛСК - сўз биримаси лисоний синтактик қолипи

[Т-Х] - [тобе-ҳоким]

Ф - феъл

Ч.к. - чиқиш келишиги

Ш - шаклий омил

[Э-К] - «эга ва кесим»

Э.к. - эгалик қўшимчаси

К.к. - қаратқич келишиги

[WPm] - гапнинг энг кичик лисоний қолипининг

байнаминада рамзи

Мундарижа

| | |
|---|-----------|
| Кириш..... | 3 |
| Биринчи боб. Лисоний синтактик қолиллар ва уларнинг нуткий вокеланиши | 6 |
| 1§. Лисоний синтактик қолип [ЛСК] тушунчаси | 6 |
| 2§. [ЛСК] ни аниқлаш усуллари | 7 |
| 3§. [ЛСК]нинг шаклий томони..... | 10 |
| 4§. Оралиқ шакл (вариант) | 12 |
| 5§. [ЛСК] нинг мазмун томони. Умумий (лисоний) маъно ва хусусий (нуткий) маъно | 15 |
| 6§. [ЛСК]лар ва уларнинг икки асосий тури | 19 |
| 7§. СБ [ЛСК] лари хусусида..... | 19 |
| 8§. Гапларнинг [ЛСК]лари хусусида..... | 21 |
| 9§. [ЛСК]ни ажратишнинг назарий ва амалий аҳамияти | 24 |
| 10§. [ЛСК]нинг нуткий тажаллиси | 26 |
| 11§. [ЛСК] ларда СБ ва лексема муносабатлари | 29 |
| Иккинчи боб. Сўз ва морфологик шаклнинг синтактик қобилияти. Валентлик..... | 31 |
| 1§. Зотий (субстанциал) ёндашув хусусида..... | 31 |
| 2§. Синтактик қобилият ёки валентлик хусусида..... | 32 |
| 3§. Сўз валентлиги | 33 |
| 4§. Синтактик валентлик..... | 38 |
| 5§. Грамматик шакл валентлиги..... | 40 |
| 5§. [СБ]ларнинг [ЛСК]ларида валентликлар мувофиқлашуви | 45 |
| 6§. Гапларда лексик-семантик ва грамматик шакл валентликлари | 48 |
| Адабиётлар рўйхати | 51 |
| Шартли қисқартмалар ва рамзлар..... | 54 |

Хамид Неъматов, Раъно Сайфуллаева, Мухаббат Курбонова

**ЎЗБЕК ТИЛИ СТРУКТУРАЛ СИНТАКСИСИ
АСОСЛАРИ**

(Филолог талабалар учун қўлланма)

Муҳаррир Э.Умаров

Босишга рұхсат этилди 20.05.99 йил тезкор босма усулида босилди.
Бичими 60x84¹/₁₆. Шартли босма табоги 5,8. Нашриёт исоб табоги 3,8..
Адади 200 нусха. Буюртма № **376**

“Университет” нашриёти. Тошкент 700095. Галибалар шаҳарчаси.
ТошДУ маъмурӣ биноси.

ТошДУ босмахонасида босилди.

82